

**МАЛАКА ОШИРИШ ТАЪЛИМ ТУРИ УЧУН ДАВЛАТ ТАЪЛИМ
ТАЛАБЛАРИ, ЎҚУВ РЕЖАСИ ВА ДАСТУРЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ МУАММОЛАРИ ВА УНИНГ
ЕЧИМЛАРИ**

Рахматуллаев Мубин Рахманович, И.М.Губкин номидаги нефт ва газ Россия давлат университети “Миллий тадқиқот университети” Федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг Тошкент филиали, катта ўқитувчиси

Ахмедов Абдумирхаким Мирхалилович Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети Физика ва кимё кафедраси доценти кимё фанлари номзоди

Аннотация

Мақолада кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш таълим турида бугунги кунда фойдаланилаётган таълим меъёрий-ҳуқуқий хужжатларидаги мавжуд муаммолар тадқиқот объекти сифатида ўрганилиб ва ушбу муаммоларни бартараф этиш усуллари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: малака ошириш ва қайта тайёрлаш, таълим меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар, давлат таълим талаблари, ўқув дастур ва режалар.

Аннотация

В статье рассматриваются существующие проблемы в нормативно-правовых актах в сфере подготовки и переподготовки кадров как предмет исследования и разрабатываются пути преодоления этих проблем.

Ключевые слова: повышение квалификации и переподготовка, нормативно-правовых документов образования, государственные требования к образованию, учебные программы и планы.

Annotation

The article discusses the existing problems in the legal acts in the field of training and retraining of personnel as a subject of research and develops ways to overcome these problems.

Key words: professional development and retraining, legal documents of education, government educational requirements, curricula and plans.

Халқимизнинг билим даражаси давр талабига ва тарраққиётига қанчалик мослиги юртимиз келажаги, ислохотлар тақдирини белгиловчи асосий мезон ҳисобланади. Давлат тараққиёти ва жамият равнақи кўп жиҳатдан унинг интеллектуал потенциали билан белгиланади. Шунинг учун мамлакатимиз раҳбарияти таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга катта эътибор қаратапти, юқори малакали кадрлар тайёрлаш давлат сиёсати даражасида кўтарилди.

Таълим-тарбиядаги илмий асосланган янги тартиб қоидалар келажакка қўйилган узоқ муддатли инвестиция дейилиши мумкин. Давлат таълим талаблари бугунги жаҳон меҳнат бозори ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт талабларини тўлиқ қамраб олиши, билимлар миқдори ва сифати талабларга мос келишини таъминласин. Бу ўз навбатида рақобатбардош ходимларни тайёрлашда ўзининг салмоқли самарасини беради. Зеро илмий потенциали юқори даражада ривожланган мамлакат барча соҳаларда доимо илғор бўлиб, илм-фан ва таълим давлат тараққиётининг пойдевори ҳисобланади.

Жаҳон тарихидан маълумки, бирор бир мамлакат юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўймасдан туриб ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир соҳаларни ислоҳ қила олмаган. Бунга Япония, Германия ва бир қанча ғарб мамлакатларининг иккинчи жаҳон урушидан кейинги тараққиётини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу вазифани амалга ошириш ва келажак авлодга етказиб бериш истеъдодли, баркамол мутахассислар зиммасига юклатилган. Аслида ҳам илм-фан тараққиёти инсон ҳаётини ҳар томонлама таъминлай оладиган ягона воситалардан бири ҳисобланади. Инсоният тарихи саҳифаларини варақлаганда фан ва техниканинг кескин ривожланиш даври XX-асрнинг иккинчи ярмига тўғри келишига гувоҳ бўлиш мумкин. Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, собиқ иттифоқ таркибига кирувчи мамлакатлар илм-фанни эркин тараққий эттириш имкониятига эга эмас эдилар. Бунинг сабаблари қуйидагилардан иборат эди: биринчидан, собиқ иттифоқ таркибига кирувчи мамлакатларни ташқи дунё билан ахборотлар алмашмаслиги учун сунъий ёпиқ жараён вужудга келтирилган эди. Иккинчидан, барча соҳаларни ривожлантиришнинг илмий

асосланган тизими меҳнат бозори талабларига асосланмаган ҳолда ишлаб чиқилган эди. Натижада, бугунги кунга келиб мамлакатимиз меҳнат бозорида ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда бир қатор муаммолар юзага келдики, уларни бартараф қилиш учун мамлакатимизда махсус институтлари, олий таълим муассасалари таркибида малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетлар, марказлар ва Академиялар ташкил қилинди. Хозирда ушбу таълим турига жиддий эътибор берилётганини асосий сабаби ҳам шундадир. Собиқ шўролар даврида фан ўз эркинлигини йўқотиб, муайян қолипга солингани учун ҳам бизда ривожланиши лозим бўлган тараққиёт ғарбга кўчиб, ғарб бугунги кунда замонавий техника ва технологияларнинг ижодкорига айланди, илм-фан соҳасида катта шуҳратга эришди.

Янги Ўзбекистонни барпо қилиш мақсадида, барча соҳалар каби таълим тизимини ҳам ислоҳ қилиш жараёни бошланди. Тараққиёт сари интилиш ўзбек халқига хос, фазилат. Бу фазилат бугунги ўзбек халқининг бунёдкорлигида яққол кўзга ташланади. Чунки, бунёдкорлик замирида илм-фан ривожига ётади.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш таълим турининг асосий мақсад ва вазифалари касбий билим, кўникма ва малакаларни давлат, жамият ва жаҳон меҳнат бозори талабларига мослигини таъминлашдан иборат. Ушбу белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш учун таълим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари мақсадга олиб борувчи тизимнинг ўзида мужассам этган бўлиши энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур илмий тадқиқот таълим тури олдига белгиланган мақсад ва вазифаларни ижросини таъминлаш механизминини ўзида мужассам этган ҳамда диалектика қонунларига илмий асосланган янги авлод таълим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқишга бағишланади.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим турида асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат таълим талаблари, ўқув дастур ва режалар ҳамда дарс жадвали ҳисобланади. Маълумки, тизими олдига белгиланган мақсад ва вазифаларни ижросини таъминлаш асосан таълим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга боғлиқ бўлади. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим

меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлари меҳнат бозори ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар талаблари даражасида ишлаб чиқиши эса таълим сифати ва мазмунини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Фан ва технологияларнинг жадал суръатларда ривожланиши меҳнат бозорида янгидан-янги билимлар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Бу эса жаҳон меҳнат бозори талабларининг ўзгариб боришига мос равишда кадрлар тайёрлаш тизимини мунтазам ислоҳ қилиб боришни тақозо этади. Мамлакатимиздаги узлуксиз таълим тизимида малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш таълим тури меҳнат бозорида фаолият юритаётган ходимларнинг билимларини янгилаш ва мослигини таъминлашга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев охириги йилларда ижтимоий ва иқтисодий тармоқларда фаолият олиб бораётган ходимларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида бир қатор фармойиш ва қарорлари эълон қилинди[1-6]. Ушбу ҳужжатларда белгиланган асосий вазифалар таълим муассасаларни моддий техника базасини мустаҳкамлаш, жаҳон меҳнат бозори ва Республикаимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар талаблари асосида давлат таълим талаблари, ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда таълим жараёнига жорий қилиш ҳисобланади.

Таълимда касбий тафсиҳнома, давлат таълим талаблари, ўқув режаси ва дастурлар, дарслик ҳамда қўлланмалар меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар таркибига киради. Таълим жараёнида ўқув-меъерий ҳужжатлар ҳар хил вазифаларни бажаради. Лекин, давлат таълим талаблари, ўқув режаси ва дастурлар тизим олдига белгиланган мақсад ва вазифаларнинг мазмуни ва сифатини белгилаши билан бошқа меъерий ҳужжатлардан фарқ қилади. Мақсадимиз таълимни сифатли ва мазмунли ташкил этиш орқали юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш ҳисобланади. Ушбу меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим тизимида

белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш механизимини ўзида мужассам этган бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда, ушбу таълим тизимининг муаммоси шундан иборатки давлат таълим талаблари, ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқишнинг илмий асосланган методологиясини ишлаб чиқиш махсус тадқиқот объекти сифатида тўлиқ ўрганилмаган. Бинобарин, методология давлат таълим талаблари, ўқув режаси ва дастурларини ишлаб чиқишнинг муҳим асосий мезонларини белгилаб беради. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим тури учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш методологияси давлат таълим талаблари, ўқув дастур ва режаларни бугунги кун талабларига мос шакл ва мазмунда тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади.

Шуни қайд қилиб ўтиш зарурки, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг назарий-методик асослари муаммоси махсус тадқиқот предмети сифатида тўлиқ ўрганилмаган[7-8].

Малака ошириш таълим туридаги реал аҳволни ўрганиш мақсадида олиб борилган тадқиқотлар натижасида, таълим жараёнида фойдаланилаётган ўқув меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда қуйидаги камчиликлар мавжудлиги аниқланди:

-биринчидан, давлат таълим талаблари ишлаб чиқишнинг илмий асосланган методологияси мавжуд эмаслиги;

-иккинчидан, таълим жараёнида фойдаланилаётган ўқув режаси ва дастурлари давлат таълим талабларисиз ишлаб чиқилганлиги;

-учинчидан, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим тури меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг хусусий мақсадлари жаҳон меҳнат бозори ва Республикамизда олиб борилаётган ислоҳотларни ижросини таъминлашга доир умумий мақсадларини қамраб олишга тўлиқ қаритилмаган.

Мазкур камчиликларнинг бугунги кунга қадар бартараф этилмаганлиги сабабли, таълимда катта аҳамиятга эга бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини тизим олдига белгиланган вазифалар асосида ишлаб чиқишда муаммолар юзага келмоқда.

Маълумки, ҳар бир таълим тури учун аниқ мақсад ва вазифалар белгилаб берилган. Таълим турига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу мақсад ва вазифалар ижросини таъминлаш стратегияси сифатида ишлаб чиқиши таълимда долзарб масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга касб этади. Шу боис, ушбу мақолада таълим турининг мақсад ва вазифаларини белгиловчи давлат таълим талабларнинг ўқув режаси ва дастурларини ишлаб чиқишнинг илмий асосланган методларини яратиш ҳақида сўз юритилади.

Давлат таълим талабларида белгиланган мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш учун қуйидаги бир қатор муаммоларни ечиш зарур бўлиб, улар қуйидагилар:


- таълим тури учун давлат таълим талабларини давлат, жамият ва меҳнат бозори талабларига мос илмий асосланган методологиясини ишлаб чиқиш;
- фаолият турларини ва унга доир билим, кўникма ва малакалар асосида ўқув дастур ва режаларни ишлаб чиқишорқали уларни ўзаро боғлиқлигини ёки узвийлигини таъминлаш усулларини ишлаб чиқиш;
- таълим тури учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини тизим олдига белгиланган мақсад ва вазифалар асосида таълим жараёнини ташкил қилиш, бошқариш ва такомиллаштиришни таъминлашнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш.

Мазкур муаммоларнинг вужудга келишининг асосий сабаби, таълим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг илмий асосланган методологиясининг мавжуд эмаслигидадир. Маълумки, муайян касбий йўналиш кенг қамровли билимларни мужассамлаштиради. Бугунги кунда малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим тури таълим жараёнида фойдаланилаётган таълим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари умумий мақсадларни касбий фанларнинг яқка тартибдаги мақсадлари орқали шакллантиришга қаратилган. Лекин, қайси касбий фан, қандай вақтда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган билимларнинг қандай қисмининг шакллантиришини тўлиқ аниқлаш мумкин эмас. Бундай тартибдаги ўзлаштириш тизимининг

вужудга келишига асосий сабаб давлат таълим талаблари, ўқув режаси ва дастурлари орасидаги боғланишнинг мавжуд эмаслигидир. Бу каби камчиликлардан холи бўлиш, яъни, таълим меъёрий ҳужжатларининг бири-бири билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш учун уларни якка тартибда ишлаб чиқиш усулдан фойдаланиш зарур (1-расмга қаранг). Мазкур усулнинг бошқа усуллардан фарқли жиҳати шундаки, бунда фаолият турига доир билимлар, ўқув дастури ва режалари ҳамда назорат турлари якка тартибда ишлаб чиқилади. Ўқув меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг якка тартибда ишлаб чиқилиши таълимда фақат белгиланган аниқ мақсадларни амалга оширишда муҳим рол ўйнайди. Таълим мақсади меҳнат бозорида ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларида муаян вақт давомида шаклланган янги билимлар ҳисобланади. Лекин, касбий йўналиш бир неча фаолият турларидан иборатлиги учун биз ўқув дастурларини касбий фанлардан эмас фаолият турлари бўйича ишлаб чиқишимиз белгиланган мақсадларга мувофиқ бўлади. Ушбу тартиб малака оширувчининг аниқ мақсадга қаратилган билимларни мукамал ўзлаштиришини таъминлайди. Умуман, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълимтурини ташкил этишдан асосий мақсад, тингловчи учун янгилик бўлган муайян билимларни ўзлаштириш ҳисобланади [9]. Бундан ташқари, якка тартибдаги билимларни ўзлаштирилишининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, малака ошираётган тингловчининг ўзлаштириш даражаси шу билимларга доир саволлар орқали аниқланади.

1.расм

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим тури учун давлат талабларининг таркибий схемаси



Бу эса, тингловчиларнинг билим сифати ва мазмунини реал баҳолаш имкониятини беради. Натижада таълим жараёнини бошқариш ва назорат қилишда қулайлик юзага келади. Демак, давлат таълим талабларида белгиланган умумий билимлар асосида ҳар бир фаолият тури учун алоҳида ўқув дастур ва режанинг ишлаб чиқирилиши, таълим жараёнини аниқ мақсадга қаратади ва ҳар бир мақсад давлат таълим талаблари фаолият тури билан ажратилади. Шунингдек, ҳар бир фаолият тури учун алоҳида ўқув дастури ва режаси ишлаб чиқирилади. Бундай тартибнинг жорий қилиш орқали давлат таълим талабларида белгиланган билим, кўникма ва малакалар билан ўқув дастури ва режалари орасидаги боғлиқликни таъминлашга эришилади. Мазкур усулнинг таълим жараёнига жорий қилиниши малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида белгиланган мақсадга дедукция усулининг таълим

жараёнида қўлланилиши билан самарали натижаларга эришиш мумкинлигини исботлайди.

Ходимларнинг малакасини оширишга эҳтиёжни - соҳага янги техника ва технологияларнинг кириб келиши ва уларнинг билим, кўникма ва малакаларини ўрганиш мониторингини олиб бориш ҳамда давлат томонидан соҳани ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар асосида аниқланади. Шулар асосида соҳа ходимларининг малакасини оширишнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинади. Умумий мақсад ва вазифалар ўзининг алоҳидалиги, умумийлиги ва хусусийлигига кўра бир неча хусусий мақсад ва вазифаларга бўлинади. Ҳар бир хусусий мақсад ва вазифалар давлат таълим талабларини ишлаб чиқишда фаолият тури орқали номланади. Демак, малака оширишдан кўзланган умумий мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб давлат талабларида бир ёки бир неча фаолият турлари киритилади.


Давлат талабларида фаолият тури уч йўналишга доир билимларни қамраб олади. Булар – 1) касбий соҳага доир янги билимлар, 2) ижтимоий, 3) иқтисодий билимлардир. Касбий соҳага доир янги билимлар деганда – меҳнат бозорида муайян вақт давомида касбий йўналишга доир бўлган, янги билимларнинг пайдо бўлиши тушунилади. Барча соҳадаги ижтимоий-иқтисодий билимлар малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида умумийлик характериға эға. Бугунги меҳнат бозори ҳар бир соҳа ходимларидан ҳам ижтимоий ҳаёт, ҳам иқтисодий ҳаёт билимларини ўзлаштиришни тақозо этмоқда. Чунки, ўз малакасини ошираётган ходим бугун нафақат соҳа фаолиятиға алоқадор бўлган янги билимларни ўзлаштириши, балки ижтимоий-иқтисодий ҳаётда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни тўғри англаши, уларға нисбатан реал муносабатни шакллантириши учун бундай билимларни ўзлаштириши зарур. Жамиятнинг тезкорлик билан ривожланиши, ҳар бир ходимнинг касбий мутахассислигидан қатъий назар, ижтимоий-иқтисодий билимларни бозор иқтисодиёти талаблари даражасида ўзлаштиришини тақозо этади.

Давлат таълим талабларида фаолият турлари соҳага доир алоҳидалик хусусиятига эга бўлган воқеа ва ҳодисаларни қамраб олиши ва меҳнат бозорида узлуксиз ривожланиш хусусиятига эга бўлиши керак. Агар воқеа ва ҳодисалар меҳнат бозорида ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт доирасида ривожланиш хусусиятига эга бўлмаса, бундай воқеа ва ҳодисаларни малака ошириш талабларига киритиш ҳеч қандай асосга эга бўлмайди. Чунки, тингловчиларда бундай воқеа ва ҳодисаларни ўзлаштиришга эҳтиёж бўлмайди. Бундан ташқари, фаолият турининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб умумийлик ва хусусийлик белгилари асосида танланади. Фаолият турининг алоҳидалиги – меҳнат бозорида фақат муайян йўналишга хос бўлган аниқ, ягона, такрорланмайдиган белгилар ва хусусиятларга эга бўлган билимлар тушунилади. Фаолият турининг умумийлиги – меҳнат бозорида касбий йўналиш бўйича доимий такрорланадиган белги ва хусусиятларга эга бўлган билимлар ҳисобланади. Фаолият турининг хусусийлиги эса – меҳнат бозоридаги ихтисосликка доир билимларнинг ўзига хос белги ва хусусиятлари билан фақатгина муайян касбий йўналиш таркибига киришлиги тушунилади. Умумий билимлар бир неча фаолият турига бўлиниши юқорида қайд қилинган талаблар ҳамда уларнинг мантиқий боғлиқлигига асосланган ҳолда танланади (2-расм).

Касбий йўналишдаги воқеа ва ҳодисаларни ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари таркибига киритилган бўлса, бундай ҳолларда уларни давлат таълим талабларида алоҳида фаолият тури сифатида киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки, бунда соҳани ислоҳ қилиш заруриятини меҳнат бозори ва жамият талаблари тақозо этаётгани аниқ бўлиб қолади. Шунинг учун, меҳнат бозорида фаолият олиб бораётган ҳар бир мутахассис

2- расм.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим турида фаолият турларини танлашнинг асосий мезонлари



кадрларнинг билим ва кўникмаларини янгилаб бориш малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим тури олдида белгиланган ўта муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Шундай қилиб, юқорида қайд этиб ўтилган фикрлар асосида малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим тури учун фаолият турларини танлаш мезонлари қуйидагилардан иборат:

- фаолият тури таркибига кирувчи воқеа ва ҳодисалар алоҳидалик, умумийлик ва хусусийлик белгиларига эга бўлиши;
- фаолият турига доир иш ўрни меҳнат бозорида мавжуд бўлиши;
- меҳнат бозорида иш ўрни ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида расмийлаштирилган бўлиши;
- фаолият турига доир воқеа-ҳодисалар доимий ривожланиш хусусиятига эга бўлиши;

- фаолият тури жамиятда ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ислоҳ қилишда ўзига хос муҳим аҳамиятга эга бўлиши.

Давлат таълим талабларини ишлаб чиқишда фаолият турларининг ушбу мезонлар асосида танланиши тизим олдига белгиланган мақсад ва вазифаларга тўлиқ мос келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732 сонли фармонида ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида, 2016 йил 30 ноябрдаги ПФ-4860-сонли фармойиши.
2. Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида, 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3289-сон қарори.
3. Ички ишлар ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида, 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3216-сонли қарори.
4. Корпоратив, лойиҳа бошқаруви соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида “, 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3930-сонли қарори.
5. Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида, 2018 йил 8 майдаги ПФ-5438-сонли фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқарув академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида, 2019 йил 27 июндаги ПҚ-4365-сонли қарори.

7. Йўлдошев Ж.Ғ. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари. Т.: Ўқитувчи нашриёти, 1998. -82 б.
8. Жабборов М.Э. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш. Самарқанд, – 2000. -4 б.
9. Абдурахмонов Д.Б. Кичик мутахассис кадрларни малакасини оширишда маёкли дистанцион таълим шакли // Труды международной научно-технической конференции. Высокие технологии и перспективы интеграции образования, науки и производства. Том 2. Ташкент, – 2006 й. 3-4 б.